

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

31 МАРТ
№26

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ**
**12 -ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 26-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"**
**ЧАСТЬ-12**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN 26-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"**
**PART-12**

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 26-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**1. Раҳмонов Улуғбек Каримович, Эргашев Алижон Абдуллаевич**
ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАФАККУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “МУСИҚА ТАЪЛИМИ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ”........................................................................................................ 7

# МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ТАФАККУРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА "МУСИҚА ТАЪЛИМИ ВА САНЪАТНИНГ ЎРНИ".

**Раҳмонов Улуғбек Каримович**
Фарғона давлат университети
Санътшунослик факультети ўқитувчиси
Телефон: 90 160 79 00
**Эргашев Алижон Абдуллаевич**
Фарғона давлат университети
Санътшунослик факультети ўқитувчиси
Телефон: 93 645 33 19

**Аннотация:** Мақола Ўзбекистон Республикасининг амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишни ўзига хос йўлини танлашига, таълим муассасаларида ёшларга "Мусиқа таълими ва санъати"нинг бериш соҳасида олиб борилаётган ишларга, мамалакатимизда яшаётган ёш авлолни ҳар томонлама ривожланишида, уларнинг ижтимоий тафаккурларини ўстиришда мусиқа таълими ва санъатининг ёшларни маънавий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий тафаккурларини ривожлантиришдаги ўрни беқиёсгига алоҳида эътибор берилган.

**Калит сўзлари:** стратегия, жамият, давлат, садоқат, истиқбол, ғоя, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, умуминсоний, қадрият, миллий, тафаккур, шахс,мусиқа, санъат, салоҳият, руҳият, ҳарбий, мутафаккир.

**Ключевые слова:** стратегия, общество, государство, лояльность, перспек-тива, идея, духовно-просветительская, социально-политическая, универсаль-ная, ценностная, национальная, мышление, личность, музыка, искусство, потенциал, психика, военный, мыслитель.

**Key words:** strategy, society, state, loyalty, perspective, idea, spiritual and educational, socio-political, universal, value, national, thinking, personality, music, art, potential, psyche, military, thinker.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ 4947-сонли "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" Фармони мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштиш тизимига сифат жиҳатидан янги ёндашувларни бошлаб берди. Халқимизнинг маънавий савиясини оширишда, ёш авлодни юксак инсоний ғоялар, она-Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашда, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижти-моий-сиёсий ривожланишни ўзига хос йўлини танлаши натижасида, таълим муассасаларида келажагимиз давомчилари бўлган ёшларга "Мусиқа таълими ва санъати" бериш соҳасида олиб борилаётган ишлар ва машғулотларни Халқаро таълим талаблари асосида ташкил этиш бугунги кун талаби бўлмоқда. Мамалакатимизда яшаётган ёш авлолни ҳар томонлама ривожланишида, уларнинг ижтимоий тафаккурларини ўстиришда "Мусиқа таълими ва санъати"нинг ўрни беқиёсдир.

Ёшларга таълим – тарбия беришда "Мусиқа таълими ва санъати"га илмий жиҳатдан

ёндошсак, мусиқа - инсоннинг ҳиссий кечинмаларини, фикрларини, тасаввур доирасини мусиқий товушлар изчиллиги ёки мазмун воситасида акс эттирувчи санъат туридир. У инсонни маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий тафаккурларида мавжуд бўлган кўтаринкилик, шодлик, завқланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ҳислатларини, инсоннинг ҳистуйғуларини, орзу-умидларини, хоҳиш-истакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этиб, ўзида мужассамлантирган. Мусиқа - ҳам фан, ҳам санъатдир. Чунки, мусиқа ҳар доимо ривожланиб турувчи жонли санъат ва ижтимоий ҳаётдаги таълимдир. Мусиқа инсоннинг доимий ҳамроҳи бўлиб, онги ва тафаккуридиги ички кечинмаларини акс эттирувчи кучга эга. Бундан ташқари, мусиқа шахснинг ифодавий сифатларини яъни, қатъиятлик, интилувчанлик, ўйчанлик, вазминлик ва унинг табиат(мижози)ни ҳам акс эттиради.

Илмий манбалардан бизларга маълумки, воқийлик таъсир остида пайдо бўладиган сезги ва идрок тафаккурнинг асосий манбаидир. Мусиқани тўла-тўкис идрок этиш учун диққат, хотира, тафаккур зарур ва муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Мусиқани тўлиқ идрок этиш учун инсон писхология-синнинг фаолияти хилма-хил бўлмоғи лозим. Бу жараёни болалар ҳаётида кўрадиган бўлсак, уларга мусиқа таълими бериш орқали, мусиқа асарининг лад, ўлчов, суръат, регистрини билиш билан бир қаторда, мусиқанинг юқорида эътироф этилган ифода воситалари орқали, уларда шахсга бўлган хусусиятларини, тафаккурини, қобилиятини эркин йўналтирилган диққатини, мусиқий хотирасини, тасаввур фаолиятини шакллантириш мақсадга муво-фиқдир. Рус педагоги В.А.Сухомлинский “Мусиқа - инсон тафаккурининг улкан манбаидир”- деб таъриф берган. Болалар хиссиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг муайян шароит билан боғлиқлигидир. Яъни, болаларда содир бўладиган хиссий кечинмалар аниқ бир шароитдагина вужудга келади. Болалар бирон бир мусиқа асарини тинглар эканлар, мусиқа-нинг ранг-баранг овозларини, унинг ифода воситаларини яъни, темпи, ритми, куй ўлчови, регистри, динамикаларини фарқлашни, эшитган мусиқа асар-ларини қайси жанрга мансуб эканлигини бир-биридан ажарта олишни тушуна борадилар. Бу писхологик жараённи амалга оширишда барча соҳалар каби мусиқа таълими ва санъатининг ўрни алоҳидадир.

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, мусиқа тарихий даврларга хос руҳий тароват, суръат, ижтимоий фикр ва кечинмаларни умумлашган ҳолда ифодалаб, ҳар бир даврнинг маънавий-ижтимоий талабларига жавоб берган ҳолда инсон хаётининг асосий мазмуни бўлиб келган. Ўтмишда барча халқлар мусиқанинг маънавий-ижтимоий тафаккур кучидан тўғри фойдалан-ган ҳолда ўз харбий қўшинларини жанговарлик тайёргарлигини оширишда алоҳида мақсадлардан фойдаланганлар. Мусиқадаги шахдамлик ва кўтарин-килик улардаги жанговорлик руҳиятини ва салоҳиятини оширишга ёрдам берган. Ҳатто, мусиқа қадимдан асир тушган махбусларни қатл этишда ҳам инсон тафаккурига, онгига салбий таъсир этувчи восита бўлган. Мана шу жараёнда ижро этиладиган мусиқа товуш оҳанглари ўлимга маҳкум этилган махбусларни руҳиятига жиддий таъсир ўтказган ёки инсонларни дафн этиш жараёнида ва видолашиш вақтларида ижро этиладиган мусиқа оҳанглар инсонни чуқур қайғуга, истиробга ва ўкинч ҳислатларини ўзида намоён қилади. Шу билан бир қаторда мусиқада ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзувлик ва зулм, қудратли ва заифлик каби кўринишларни ҳам ўзида акс эттиради. Яратилган ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлса, инсон тафаккурига бир умр мухрланиб қолади ва ижти-моий ҳаётда ўз ўрнини топади. Мусиқанинг инсон рухиятига, унинг тафак-курига таъсир қилишининг тугалланмас имкониятлари ҳақида қадимдан мусиқашунослар, мутафаккир ва олимларнинг диққатини ўзига қаратган. Агар бизлар ўзбек халқининг миллий анъаналари ва қадриятларини ўзида мужассам этган ўтмиш маънавиятимиз тарихига мурожжат этсак, улар томонидан яратилган мусиқа асарлари мазмунида аждодларимиз бир-бирларини маънавий-аҳлоқий тарбиялаш борасида кўпгина амалий ишлар қилишганини шоҳиди бўламиз. Мусиқа санъатининг илмий-назарий ва амалий томонларини ўзларини илмий рисолалари билан жаҳон илм-фан тарақиётида ёркин из қолдирган буюк мутафаккурларимиздан Абу Наср Форобий “Илмларнинг келиб чиқиш тўғрисида”ги асарида мусиқанинг сехр кучи, мўзижакор таъсири, инсоннинг маънавий камолати ва саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида шундай фикр юритган: “Бу илм шундай маънода фойдаликки, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар ҳулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган ҳулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлмаган одам ҳулқини мувозанатини сақлаб туради. Бу илм таннинг сало-матлиги учун фойдалидир. Чунки, тан

касал бўлса, руҳ ҳам сўнади, тан тўсиққа учраса руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун мусиқа чолғу асбобларида ижро этиладиган созлар овозининг таъсири руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларини тартибга солиб, ундан озуқа олади"- деб таъриф берган. Абу Али ибн Сино таъбирга кўра "Мусиқа қалб кучларига руҳий бахш этади, уни ортиқча ҳаёллардан тозалайди. У яхши кайфият, қувноқ ҳиссиётлар ҳосил қилиш орқали шифобахш таъсир қилиши мумкин"-деб изоҳ берган.

Мусиқа таълими ва санъати инсонни маънавий-аҳлоқий, ижтимоий-сиёсий тафаккурини ривожлантиришда асосий омил сифатида шахснинг шакллан-ишига кучли таъсир этадиган ижтимоий манбадир. У оилада, мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида мусиқа машғулотларини мақсадга мувофиқ тарзда уюштирилса, ёш авлодни маънавий ички дунёсини бойитишда муҳим бўлиб хизмат қилади. Мусиқа - чегара ва масофа билмайди, ижрочи ҳам танламайди. Ижтимоий ҳаётда яратилган ва ҳозирга кунда яратилаётган ҳар бир мусиқа асарлари инсон тафаккурини ривожлантиришда, уларда меҳр – муҳаббат, ўзаро хурмат, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, миллий ва умумбашарий қадриятларни шакллантиришда, ёш авлодни маънавий-аҳ-лоқий, ижтимоий-сиёсий тафаккурини ривожлантиришда, Ўзбекистон Рес-публикасининг "Ёшларга оид Давлат сиёсат тўғрисида"га Қонуни ва "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарорларини амалга оширишда "Юксак маънавиятлик авлод" тарбиясида уларни интелектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар.
1. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28- ноябрдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва сохани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги Қарори.
3. "Мусиқамизнинг долзарб муаммолари.Гулистон журнали. 1985 йил.
4. "Мусиқа ҳақида Шарқ афсоналари.Совет Ўзбекистон санъати журнали.1978 йил 5-сони.
5. Қўшиқнинг юксак бурчи. Совет Ўзбекистон санъати журнали.
1984 йил 6-сони.

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 26-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(12-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000